

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ

**Турсунов Азамат Ботиржон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич курсанти*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада биз Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш таҳлилин қиламиз ва мулоҳазаларимизни баён қиламиз.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқбузарлик, киберхавфсизлик, учрашувлар уюштириш, турли мавзуларда маърузалар ўқиш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, этика, еркинлик, давлат бошқаруви, ташкилот.*

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг асосий усуллари сифатида кенг жамоатчилик ўртасида маҳалларда, ўқув юртларида, корхона, муассаса, ташкилотларда) суҳбатлар ва мутахассислар (шифокорлар, ҳуқуқшунослар иштирокида учрашувлар уюштириш, турли мавзуларда маърузалар ўқиш, аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигини олдини олиш мақсадида турли спорт мусобақаларини ташкил этиш, ёшлар ташкилотлари билан биргаликда телевикториналар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб аҳолига алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари борасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тарқатиш, шунингдек фуқароларни маънавий, ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тарбиялашга қаратилган бошқа турдаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

Қонун ҳужжатларига асосан умумий тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

–аҳоли орасида, жамоаларда ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий мазмундаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш (маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссиялари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда);

–оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, яъни газета ва журналларда мақолалар эълон қилиш, радиоэшиттиришлар ташкил этиш, телевидениеларда турли кўрсатувлар тайёрлаш;

–маърузалар ўқиш, суҳбатлар уюштириш ва учрашувлар ташкил этиш.

Умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг шакллари эса қуйидаги тўрт турда амалга оширилиши кўзда тутилади: ёзма, оғзаки, кўргазмали ва электрон. Албатта, умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шаклни танлаш ва ўз ўрнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўпинча оғзаки шакллар билан бирга кўргазмали шакллардан фойдаланиш самаралироқ ҳисобланади. Яъни,

профилактикани амалга оширишда фақат бир шаклдан фойдаланиш эмас, балки бошқа шаклларни биргаликда қўллаш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш (дифференциация), бунда профилактик суҳбатни ўзига нисбатан яқка тартибдаги профилактика олиб борилаётган шахсларнинг профилактик ҳисоб тури, жинси, ёши, касби (машғулоти тури), маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганлигига доир хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш талаб этилади. Мисол учун, профилактик суҳбат – вояга етмаган ёки катта ёшдагиларга, маъмурий ёхуд жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганларга, шунингдек ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли (виктимлиги) юқори бўлган шахсларга нисбатан турлича амалга оширилиши лозим ҳисобланади.

### АДАБИЁТЛАР:

1. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonun // 2014
2. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta‘minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Prezident Qarori // 2019
3. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi hay‘atining kengaytirilgan yig‘ilishidagi Prezident Shavkat Mirziyoyevning nutqi // 2021
4. Арипова, А. Х. (2021). Нутқ моҳиятини ташкил этувчи муҳим восита. Scientific progress, 1(6).